

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлиги тизимида жорий йилда коррупцияга қарши курашиш тизимида
2024-йилда амалга оширилган ишлар юзасидан
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

30.12.2024-йил ҳолатига

Коррупцияга қарши курашиш бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари асосида олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 2024-йил 1-мартдаги 13-сонли баённомаси асосида ишлаб чиқилган “Йўл харита”нинг ҳар бир банди бўйича тегишли бошқарма ва бўлимлар билан биргаликда вазифалар белгиланиб олинди.

2024-йил учун 10 та банддан иборат бўлимнинг иш режаси тузилган.

2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81 қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар жорий йилнинг январ ойида Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг Е-Anticor платформасига киритилган.

2022-йилнинг Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашда Қурилиш вазирлиги **49 балл** билан қониқарсиз деб топилган.

2023-йил якунлари бўйича эса рейтинг баҳолашда **71 балл** билан қониқарли деб топилди.

Вазирликнинг барча 136 нафар ходимларидан аризалар (декларация) олинди.

Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сонли топшириғининг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Қурилиш вазирлиги тизимида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган” Йўл харитасининг 3.4-бандида белгиланган вазифаларнинг ижросини таминлаш мақсадида Қурилиш вазирининг 2020 йил 16 ноябрда “Қонунбузилишлар тўғрисида хабар бериш бўйича Тартиб”ни тасдиқлаш бўйича 319-сонли ва вазирликнинг 25.09.2023-йилдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва тузилмадаги ташкилотлар ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 318-сонли буйруғи қабул қилинган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 28.08.2023-йил “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида коррупцияга қарши курашиш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида” 225-сонли буйруғи қабул қилиниб унга кўра коррупцияга қарши курашиш бўйича қуйидаги 15 та ички идоравий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати 1-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услуги 2-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувуни бошқариш бўйича низом 3-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти 4-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизими ходимларининг одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқитилишини ташкил этиш бўйича йўриқнома 5-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид йўриқнома 6-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома 7-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услуги 8-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом 9-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент 10-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва таркибига кирувчи муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муҳим самарадорлик кўрсаткичлари 11-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўлими тўғрисидаги низом 12-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходимлари ва координаторлари тўғрисидаги намунавий низом 13-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом 14-иловага;

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, ҳудудий бўлинмалари ва унинг тузилмасига кирадиган ташкилотлар шартномаларига коррупцияга қарши курашиш бўйича моддани киритиш тўғрисидаги йўриқнома 15-иловага мувофиқ тасдиқланди.

Мазкур буйруқ ва унга асосан тасдиқланган ички идоравий ҳужжатлар барча бош бошқармаларга ижро ва назорат учун юборилди. Бош бошқарма ходимлари мазкур буйруқ билан таништирилиб ички буйруқлари қабул қилинган.

Жорий йил Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 28.08.2023-йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 226-сонли буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруққа кўра:

вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, ҳудудий Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармалари ва Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда тизим ташкилотлари раҳбарларига коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходим бириктириш;

2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81 қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида кейинги ойнинг 5-санасига қадар тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда чораклик маълумотлар, йил якунида эса кейинги йилнинг 5-январидан кечиктирмай йиллик маълумотларни вазирликка (Коррупцияга қарши курашиш бўлимига) тақдим этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимларига нисбатан ҳамда ҳолат юзасидан кўзғатилган жиноят ишлари бўйича дарҳол;

ходимларнинг қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганликлари оқибатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга жалб қилинганлиги ҳолатлари юзасидан 10 кун ичида;

вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимларига нисбатан ўтказилган хизмат текшируви хулоса нусхасини ҳар ойда;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Ҳисоб палатаси ва ички аудит томонидан ўтказилган текширувлар натижасига кўра қўлланилган таъсир ҳужжатлари (тақдимнома, маъмурий ва интизомий қарорлар, огоҳлантирув, протест ва бошқалар) ҳақида ҳар ойда вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш ҳамда Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимларига батафсил ахборот бериб бориш вазифалари юклатилган.

Мазкур буйруқ ижросини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда интизомий жазо қўлланилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон қарор ижроси (кейинги ўринларда – Қарор деб юритилади) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ижрога қаратилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг 13.06.2024-йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги 2024-йил 5-июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ПҚ-210-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 159-сон буйруғи қабул қилиниб, 17 банддан иборат ишлаб чиқилган назорат режаси ҳамда 14 банддан иборат идоравий дастур ишлаб чиқилиб, масъуллар белгиланган ҳолда ижрога қаратилди.

Бундан ташқари, вазирликнинг 26.06.2024-йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ПҚ-210-сон қарори ҳамда вазирликнинг 2024-йил 13-июндаги 159-сон буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 190-сонли буйруқлари қабул қилиниб ижрога қаратилган.

Хавф-хатарларни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 11.05.2022-йилдаги ПҚ-240-сон қарори ижросини таъминлашда «Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»ни шакллантириш ва юритиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2024 йил 17-апрелдаги 214-сонли қарори билан вазирликнинг 120 та функция ва вазифалари белгиланган.

Шунга кўра, бўлим томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 28 августдаги 225-сон буйруғи 2-илоvasи билан тасдиқланаган “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти”га асосан вазирлик хавф-хатарларни баҳолаш ишларини амалга ошириб, вазирликнинг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тузилди ва вазир томонидан тасдиқланди.

Баҳолаш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларни тоифалар бўйича нисбати юқори 5 та, ўрта 16 та ва паст 97 та аниқланди.

Бундан ташқари, мазкур хавф-хатарлар харитаси асосида вазирликнинг коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати шакллантирилиб, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функциялар хавфини минималлаштиришга қаратилган вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш ДАСТУРИ ишлаб чиқилди.

Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон қарор ижроси (кейинги ўринларда – Қарор деб юритилади) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ижрога қаратилди.

Жумладан, ходимлар зиммасига манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш, давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарларига келиб тушган манфаатлар тўқнашувига оид хабарларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг 13.06.2024-йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги 2024-йил 5-июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024-йил 5-июндаги ПҚ-210-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 159-сон буйруғи қабул қилиниб, **17 банддан** иборат ишлаб чиқилган **назорат режаси** ҳамда **14 банддан** иборат идоравий дастур ишлаб чиқилиб, масъуллар белгиланган ҳолда ижрога қаратилди.

Вазирлик ва унинг тизим ташкилотларининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш бўйича тақдим қилинган ахборотлар ва мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида, баъзи бир ҳолатлар эса танлов асосида ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, вазирлик ва унинг тизим ташкилотларида жами бўлиб **7842 та**, шундан марказий аппаратида **136 нафар**, ҳудудий бош бошқамаларда **1143 нафар** ва **19 та** тизим ташкилотларда **6563** нафар ходимлар иш фаолиятини юритаётганлиги маълум бўлди.

Вазирлик тизимидаги барча ходимларни мавжуд тартиблар асосида яқин қариндошлар бевосита бўйсунувда ёки назорат йўналишидаги ташкилотларда ишлаётган ҳолатлари юзасидан:

Вазирликнинг марказий аппаратида ишлаб келаётган **136** нафар ходимларнинг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимида олинган объективка-маълумотлар асосида мазкур йўналиш таҳлил қилинди.

Ўрганишда, вазирликнинг марказий аппаратида яқин қариндошлар бевосита бўйсунувда ёки назорат йўналишида ишламасада, тизим ташкилотларида ишлаб келишлари аниқланган.

Шунингдек, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМда **3 та** ҳолатда ходимларни мавжуд тартиблар асосида яқин қариндошлар бевосита бўйсунувда ёки назорат йўналишидаги ишлаётганлиги маълум бўлди.

Хусусан, Умиджон Абдусаттаров “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ Жиззах филиали лойиҳа бош муҳандиси, отаси Саъдулла Тагаев эса Жиззах филиали лойиҳа бош архитектори, Абдусаит Акбутаев “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ Сирдарё филиали лойиҳа бош архитектори бўлиб, ўғли Абдуғани Лапасов эса Бош директорнинг шаҳарсозлик масалалари бўйича ўринбосари-институт бош архитектори ва Фаррух Машарипов “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ Хоразм филиали директори бўлиб, отаси Жамол Машарипов Шаҳарсозлик масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаб келган.

Тизим ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотлар танланма асосида ўрганилганда, яқин қариндошлар бевосита бўйсунувда ёки назорат йўналишида ишлаётганлик ҳолатлари учраб келмоқда. Масалан:

“Ўзоғирсаноатлоиҳа” АЖнинг ахборот-коммуникация тизимлари хизмати сектор бошлиғи Д.Пузиренконинг ўғли Д.Курсеитов жамиятнинг ахборот-коммуникация тизимлари хизмати секторида бош мутахассис, жамиятнинг кадрлар тайёрлаш ва умумий ишлар бўйича директори Ў.Қўчқорбоевнинг ўғли А.Бўтаев жамиятнинг 2-сон архитектура-қурилиш сектор мудир ва жамиятнинг техник директори Р.Мамажановнинг отаси Р.Мамажанов ва опаси Н.Сафаевалар жамиятнинг етакчи мутахассислари лавозимида ишлаб келган.

Вазирлик ва унинг бўйсунувда бўлган ташкилотларда ходимлар ўриндошлик асосида ишлаётганлиги ҳақида:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармаларда ва ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларни

аниқлаш борасида вазирликнинг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, ҳудудий бош бошқармалар ва тизим ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳамда мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилди.

Жорий йилнинг ўтган давр мабойнида вазирликнинг марказий аппаратида 3 та ҳолатда ходимларни ўриндошлик асосида ишлаётган ҳолатлар аниқланган.

Масалан, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси З.Юсупова ва Компютерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник Ў.Аслоновлар томонидан тўлдирилган декларацияларида Урбанизатсия ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика марказида бош мутахассис лавозимида 0,5 ставкада ишлаш ҳолатлари (З.Юсупова ва Ў.Аслоновлар Урбанизатсия ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика марказида бош мутахассис лавозимидан ўз ҳоҳишига кўра озод қилиш ҳақида ариза берганлар) аниқланиб, бартараф этилиши таъминланган.

Ёки бўлмаса, вазирликнинг бўйсунувида бўлган тизим ташкилотларидан олинган маълумотларга кўра, Компетенсияни ривожлантириш институти, Ахборот коммуникация технологиялари ва масофадан ўқитишни ташкил этиш бўлимида ўриндошлик асосида фаолият юритаётган етакчи мутахассис З.Эргашева асосий штатда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ахборот хизмати бўлимида етакчи мутахассис лавозида ишлаётгани маълум бўлди. Мазкур ҳолатлар бартараф этилган.

Вазирлик ва тизим ташкилотларидан ишдан бўшаган ходимнинг икки йил ичида ўз иш жойида бевосита назоратида бўлган ташкилотларга ишга кириш ҳолатлари:

Вазирликнинг тизим ташкилотларидан ишдан бўшаган ходимнинг икки йил ичида ўз иш жойида бевосита назоратида бўлган ташкилотларга ишга кириш бўйича берган маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

Аниқланишича, жорий йилнинг ўтган давр мабойнида вазирликнинг марказий аппаратидан **29 нафар** ходимлар ишдан бўшаган.

Ўрганишда, марказий аппаратдан ишдан бўшаган ходимлар вазирликнинг бевосита назоратида бўлган ташкилотларга ишга кириш ҳолатлари аниқланган.

Жумладан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Очилов Ҳамза-Ҳакимзода билан 03.04.2024 йилда меҳнат шартномаси бекор қилинган ва 10.05.2024 йилдан “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ Илмий тадқиқотлар ва инновациялар бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимига, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Лойиҳа фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ахунов Фарход Файзуллаевич билан 13.05.2024-йилда меҳнат шартномаси бекор қилинган ва 10.05.2024-йилдан “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимига, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Юсупова Зебунисо жорий йилда эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, 01.07.2024-йилда Урбанизатсия ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси лавозимига, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Б.Эргашев жорий йилнинг май ойида эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, “Қишлоққурилишлойиҳа” ДМга 08.05.2024 йилда

фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида мастер режаларни ишлаб чиқиш бўлимига меъмор лавозимида, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассис О.Дониев билан 03.04.2024-йил эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, 18.04.2024 йилда Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасига етакчи мутахассис, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Д.Нишонов билан 01.05.2024-йил эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, 13.05.2024-йилда “Тошкентбошплан ЛИТИ” ДМга бўлим бошлиғи, Ижро назорати бўлими ходими Ж.Атаханов 05.01.2024-йил эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига ижро назорати бўлимига ишга қабул қилинган, “Коммунал таъминот маркази” давлат муассасаси директори Рашид Мингазов билан 11.01.2024 йилда меҳнат шартнома бекор қилиниб, 11.01.2024 йилда “Коммунал таъминот маркази” давлат муассасаси ўринбосари, вазирликнинг Котибият мудир Шерзод Мухидов билан 29.02.2024-йилда шартнома бекор қилиниб, 01.03.2024 йилда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг бошлиқ ёрдамчиси лавозимида тайинланиб, 30.04.2024-йилда инспекциянинг Ахборот-таҳлил қилиш ва мониторинг юритиш бўлими бош мутахассиси лавозимида ўтказилади.

Бундан ташқари, вазирликнинг тизим ташкилотлари ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ходимлар бевосита назоратида бўлган ташкилотларга ишга кириш ҳолатлари мавжуд.

Масалан, Ю.Кулмурадов Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси ДУК Жиззах филиали директори 31.10.2023-йил меҳнат шартномаси бекор қилиниб, 01.11.2023-йилдан “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ Техник бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ходимларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилган, шунингдек, ушбу тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органи аъзоси бўлиши ҳақида:

Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида давлат фуқаролик хизматчиларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланиши қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил 6-мартдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида” 103-сонли қарори билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ходимларига ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланиши кўрсатилган. Бироқ мазкур қонунчилик талабларига зид равишда, Қурилиш вазирлиги ҳудудий бўлинмаларида жами **197 нафар** мансабдор шахслар давлат хизмати билан параллел равишда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланиб келаётганлиги маълум бўлган.

Шундан, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида **11 нафар**, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасида **3 нафар**, Шаҳарсозлик ҳужжатлари

экспертиза қилиш Республика маркази Давлат муассасаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасида **1 нафар**, Бухоро вилояти қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг маркази давлат муассасасида **1 нафар**, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида **1 нафар**, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида **3 нафар**, Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида **2 нафар**, Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида **1 нафар** ва Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида **1 нафар** ходимлари мазкур қонун талабларига зид равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги вазирлик томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида аниқланган.

Қолганлари эса вазирликнинг тизим ташкилотларининг ходимлари ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда барча аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўрилиб, бартараф этиш чоралари кўрилган.

Ходимлари томонидан 2024 йилда манфаатлар тўқнашуви бўйича тўлдирилган йиллик декларацияларни таҳлил қилишда:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида ҳабар бериш ва уларни тартибга солиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, вазирликнинг 28.08.2023-йилдаги 225-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича” Низом тасдиқланиб, ушбу буйруқни ижросини таъминлаш юзасидан вазирликнинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тизим ташкилотларига юборилган.

Мазкур низомнинг 4-боби, 17-бандига асосан, “вазирлик, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимлари ҳар йили 15-февралгача мазкур шаклда ҳар йили ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани кадрлар бўлимига тақдим қилишлари лозим” деб кўрсатилган.

2024-йилда вазирлик ҳамда ҳудудий бош бошқарма ходимлар томонидан тўлдирилган манфаатлар тўқнашуви декларация аризалари (декларация) доимий равишда ўрганиб борилади.

Вазирликнинг марказий аппаратида фаолият юритиб келаётган **136 нафар** ходимларнинг тўлдирган декларация аризалари доимий равишда, ҳудудий бош бошқармаларнинг ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан тўлдирилган декларациялари эса ўтказилган назорат тадбирлари давомида ўрганиб чиқирилиши йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган давр мабойнида ходимларнинг тўлдирган декларация аризалари ўрганилганда, вазирликнинг марказий аппарати ходимларида **1 та** ҳолатда манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланиб, бартараф этилиши ҳусусида кўрсатма бериб ўтилган.

Масалан, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Худайназаров томонидан манфаатлар тўқнашувининг

мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги тўлдирилган аризада **онаси- Башорат Бойматовани** номида **“Ал-Азиз меъмор” МЧЖ** раиси эканлиги ҳолати кўрсатилмаганлиги маълум бўлди.

Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шартномаларига киритиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фамронида 2022 йил 1 январдан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланиши назарда тутилган.

Мазкур Фармон ҳамда Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг 12.11.2021 йилдаги қарори билан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар тузишда қўллаш учун тавсиявий характерга эга бўлган коррупцияга қарши шартлар вазирлик марказий аппаратида тузиладиган шартномалар бандларига киритилиши таъминланди ҳамда вазирликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартлар киритиш бўйича кўрсатмалар берилди ва Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган тавсиявий характерга эга бўлган коррупцияга қарши шартлар намуналари ишда фойдаланиш мақсадида тақдим этилди.

2024 йил давомида ишга қабул қилинган барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши шартлар киритилган ҳолда расмийлаштирилган.

Коррупцияга қарши қоидаларни вазирликнинг хўжалик шартномаларига киритиш бўйича контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш ҳолатлари, шунингдек марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида вазирлик тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш ҳолати мавжуд эмас.

Контрагентларни текшириш

Жорий йилнинг 11 оyi давомида “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома” талабларига асосан вазирлик маразий аппаратида тузилган жами **210 та** хўжалик шартномалари таҳлил қилиниб, шундан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар юзасидан контрагентлар доимий равишда ўрганиб келинмоқда.

Таълим ва коммуникация

Коррупцияга қарши кураш борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш бўйича вазирлик тизимида ўқитилиши таъминланган.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган давр мобайнида масофавий курс орқали Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимлар учун мўлжалланган “Коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш масалалари” мавзусидаги 12 соатлик ўқув курси ташкил этилиб бугунги кунда 350 нафардан зиёд раҳбар ва ходимлар ўқитилди (тест ўтганларга сертификатлар берилган).

Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида "Коррупцияга қарши курашиш" бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистан Республикасининг Конституцияси, Қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари асосида олиб бормокда. 2024 йил давомида бўлим томонидан вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вазирлик тизимида коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш мақсадида Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали, телеграмм бот канали, электрон почта, расмий веб-сайтдаги алоқа канали ҳамда ишонч телефонлари ташкил этилиб, кенг аҳоли ва жамоатчиликка етказиш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган.

Ҳисобот даврида вазирликка юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳамда коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали ходимларнинг хатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида жами **97 та** хабар ва мурожаатлар келиб тушган.

Коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ҳамда марказий аппаратга келиб тушган **97 та** хабар ва мурожаатлар таҳлил қилинганда, шундан **2 таси** ишонч телефони, **49 таси** телеграмм ботга ва вазирликка тўғридан тўғри **46 та** мурожаатлар келиб тушган.

Жорий йил мобайнида **3 та** ҳолатда коррупция фактлари ҳақида хабар ва мурожаатлар келиб тушган бўлиб, кўриб чиқиш натижалари бўйича келтирилган коррупцион фактлар ўз тасдиғини топмаган.

Жумладан, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Бирлик МФЙ, Охунбобоев кўчаси 1-тор, 12-уйда яшовчи Б.Хошимов туман бўлими ходими "Ойбек" исмли шахс нотузар ер майдони турар жойга ўтказиб бериш эвазига 2000 АҚШ доллари миқдорида пул сўраганлигини мурожаатида кўрсатган. Ўрганишда, муаллиф жahl устида нотўғри кўрсатма берганлигини маълум қилган.

Шунингдек, Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Маданият МФЙ, Улуғбек 13-уйда яшовчи Ш.Ю.Абдиримов ўз аризасида туман бош архитектори "Фурқат" исмли шахс 2 гектар 79 сотих ер майдонига ҳужжат қилиб бериш эвазига 10 млн сўмдан ортиқроқ пул олганлигини кўрсатган. Ушбу ҳолат юзасидан Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, натижасига кўра келтирилган фактлар ўз тасдиғини топмаган.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти, Намданак ҚФЙ, Бекзод кўчаси, 21-уйда яшовчи Л.Бозорбоев Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи" ИЧБ бошлиғи Ойбек Очиловнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ёзган мурожаати Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошармаси томонидан кўриб чиқилиб натижаси бўйича тўпланган ҳужжатлар 22.02.2024-йилда Тошкент вилояти прокуратурасига ҳуқуқий баҳо бериш учун юборилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан бўлим ҳамда вазирлик тизимида масъул ходимлари томонидан вилоятнинг барча туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, юқорида қайд этилган ҳолатлар атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур ҳолат келгусида такрорланмаслиги юзасидан қатий огохлантириш берилди.

Мониторинг ва назорат

Коррупцияга қарши курашиш бўлими ва ҳудудий бош бошқарма комплаенс назорати тузилмаси ходимлари билан биргаликда жами бўлиб **95 та** назорат тадбирлари ўтказилган. Ўрганиш натижалари бўйича **20 та** интизомий жазо чоралари қўлланилган, аниқланган **197 та** манфаатлар тўқнашувидан **127 таси** бартараф қилиниб қолганларига бартараф этиш борасида тегишли кўрсатмалар берилган.

Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Жорий йил давомида бўлим томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, вазирлик ходимларидан ҳар йили бир марта 15-февралга қадар олинадиган манфаатлар тўқнашуви декларациясини вазирликнинг барча 136 нафар ходимларидан аризалар (декларация) тўлдириб ўрганиш ўтказди. Ўрганиш натижаларига кўра вазирликнинг марказий аппарати ходимларида 1 та ҳолатда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланиб, ҳозирги кунда бартараф этилди.

Масалан, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси З.Юсупова томонидан тўлдирилган декларацияда, “вазирлик тизимида яқин қариндошлари ишлаши ёки ишламаслиги саволида” “ЙЎҚ” деб, носамимийликка йўл қўйган ҳамда З.Юсупова Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика марказида бош мутахассис лавозимида 0,5 ставкада ишлаётганлиги маълум бўлди (З.Юсупова, Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика марказида бош мутахассис лавозимидан ўз ҳоҳишига кўра озод қилиш ҳақида ариза берган).

Жорий йилнинг январ ойида Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ўтказилган назорат тадбирида 1 та ҳолатда яъни, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси билан "Marvarid marjonlar dunyosi" МЧЖ ўртасида 25 млн. сўмлик товар ва иш хизматлар етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланиб тўловлар амалга оширилган. Бундан ташқари Бухоро вилоят Қурилиш бош бошқармасида 3 та, “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш” Бухоро вилоят филиали 1та, Бухоро вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказида 1та манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланиб баратараф этилган.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган **46 та** мурожаатлардан **2 таси** бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, тўпланган ҳужжатлар ХМҚОга юборилди.

Бундан ташқари, **1 та** ҳолатда раҳбарият топшириғи билан тизим ташкилоти (Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ ДМ) раҳбар ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказилиб, ҳуқуқий баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Хулосалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-151 5-иловасининг “е” банди бўйича барча ҳудудий бош бошқармаларда комплаенс хизмати жорий этиш белгиланган.

Бироқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида комплаенс назорат тизимини жорий этмасдан бошқа бир ҳодимга юклатилган.

Таклиф: Вазирлик тизимидаги барча ташкилотларга коррупцияга қарши курашиш бўйича комплаенс назорати масъул ходими вазир буйруғи асосида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Жорий йил феврал ойида Ҳисоб палатаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг ташаббуси билан соҳада коррупцияга қарши курашиш ишларини янада такомиллаштириш самарадорлиги ошириш юзасидан таклифлар сўралган. Вазирлик томонидан қуйидаги таклифлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2023-йил ПФ-14-сонли Фармони талабларига кўра марказий аппаратларда коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилиши мажбурий ҳисобланади.

Бунда, коррупцияга қарши курашиш фақатгина вазирлик ва бошқа мустақил идораларда ташкил қилиниб, ушбу йўналишларда улар ягона сиёсатни амалга оширади. Тизим ташкилотлари кўп бўлган вазирликлар ҳузуридаги ҳудудий бўлинмалар, инспекцияларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда алоҳида бўлинмалар (лавозимлар) ташкил қилиниши мумкин, деб белгилаб берилган.

Бунга кўра вазирлик томонидан Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини ошириш, жойларда профилактик тадбирлар ўтказиш ҳамда коррупцион омилларни бартараф этиш мақсадида, вазирлик тизимидаги ҳудудий бош бошқармалар, ташкилот ва муассасаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича 1 нафар масъул ходимдан иборат штат бирлиги яратиш мақсадга мувофиқ деб таклиф киритилган.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш ишлари билан шуғулланувчи масъул ходимларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш бунда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари каби унвон даражалари (чин) берилиши учун Вазирлар Мақамасининг қарори қабул қилиниб Низоми тасдиқланиши ҳамда, Коррупцияга қарши курашиш ишларини амалга ошириш борасида албатта хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунда масъул ходимлар хорижий тажрибаларни ўрганиб, амалда тадбиқ этишларига имкон яратилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифлар киритилган.

**Коррупцияга қарши курашиш
бўлими бош мутахассиси**



Ж.Файзиев